

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 21 (10.326)

2005 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛЬ

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунги

Янгиликлар, воқеалар

#### Қисқич

● **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Унда шу кунгача профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув адабиётлари, дарсликлар, мақолалар, монографияларнинг аҳамияти хусусида сўз борди.

● **ОЛИЙ** ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўқитувчилар, таълим соҳаси мутахассислари иштирокида уюштирилган тадбирда ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг 2000-2004 йиллардаги фаолияти муҳокама қилинди, келгусида бажариладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

● **МИСР** Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида мамлакатимиздан эҳромлар юртига малака ошириш, тажриба алмашиш мақсадида жўнаб кетаётган бир гуруҳ ёш олимлар билан учрашув уюштирилди.

● **МИРЗО** Улугбек туманидаги Тошкент машинасозлик коллежида Республика хотин-қизлар кўмитаси, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида аёлларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги ФХДБ бўлимида диний маърифат ва ахлоқий-тарбиявий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолияти самараллигини янада ошириш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** молия ва иқтисодиёт коллежида Сергели туманидаги «Камолот» ЕИХ фаоллари иштирокида «Соғ танда соғлом ақл» шиори остида спорт мусобақалари уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
муҳбирларимиз  
хабарларидан.

### Қарор ва ижро

## СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тадбиркорларга яратилган яна бир қулайлик бўлиб, улар сафининг кенгайишида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

— Ушбу қарор ижросини таъминлаш тадбиркорларимизга маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнида бюрократик тўсиқ ва сансозликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази директори Зиёвиддин Обидов. — Марказимиз ходимлари ҳам бу борада тадбиркорларга сиздикидан ёрдам бериш баробарида маҳсулот сертификати — сифат кафолати, эканлигини тўшунтириб беришмоқда.

Республикаимиздаги фаолият кўрсатаётган 74 та мувофиқлик сертификатлаштириш идораларининг бири саналган ушбу марказ ташкил этилганига 2 йилдан ошди. Асосий мақсади маҳсулотларнинг синови ва уларни сертификатлаштириш ишларини ўтказиш

ларга қулайликлар яратиш, уларнинг ишлаб чиқариши ривожидан, рақобатбардosh, сифатли маҳсулотлари тури кўпайишида, ички бозорни харидор диди ва эҳтиёжга мос товарлар билан тўлдиришда, яроқсиз маҳсулотлар сотилишига йўл қўймай, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоялашда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.


Марказ мутахассисларининг малакали хизматларини таъминлаш учун синов лабораторияларига замонавий, тез ишлайдиган жиҳоз ва ускуналар ўрнатилган. Аввало, марказга келган



ускуналар сотиб олинди. Бу мутахассисларнинг имкониятларини оширишга ёрдам бермоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ходим сифатли маҳсулотга берилган сертификат тадбиркорлик ривожига, ишлаб чиқариш равнақига қўшилган муносиб ҳисса эканлигини яхши англайди. Шу билан бирга марказ ходимларининг самарали ҳаракатлари ишлаб чиқарувчини ўз маҳсулотлари устида ишлашга, сифатга эътибор қаратишга ундайди.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА:** марказнинг кимё-биология синнаш лабораторияси мутахассислари **Васила Абдуллаева** ва **Гулнора Разақова**лар иш устида; электротехника товарларни синнаш лабораторияси мутахассиси **Бахтиёр Қорабоев** люминисцент лампаларни синовдан ўтказмоқда.

**Ҳакимжон Солиҳов** олган суратлар



бўлган жамоада 42 та ходим меҳнат қилади. Уларнинг ярами сертификатлаштириш ишлари билан шуғулланади, жойларга чиқиб ишлайди. Ярами эса синов ишларини амалга оширади. Жамоада асосан ёшлар меҳнат қилиб, улар «Ўздав-стандарт» тизимига етарли тажриба тўплаган, асосий мақсадни тўғри англашади. Шу боис ҳам тадбиркор-

ҳар бир тадбиркор ходимлар эътиборидан четда қолмайди, уларнинг муносабатлари диққат билан ўрганилади.

Албатта, ҳар бир буюртмачи, яъни ишлаб чиқарувчи тадбиркор ўз ишининг тез ва сифатли, арзон бажарилишини истайди. Марказда ана шуни ҳисобга олиб ўтган йилда 30 миллион сўмлик энг замонавий

биялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

— Бўка туманидаги «Паркент» ширкат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлайман, — дейди оддий аскар Бахтиёр Абдуллаев. — Бу хизмат тури менга жуда маъқул бўлди. Меҳнат таътилида йиғин машғулотларида иштирок этиб, ҳарбий гувоҳнома олдим. Энди бемалол уйга қайтиб, ишимни давом эттиришим мумкин.

ЎЗА

### XXI саҳоси

Барча мавбалардан  
олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

● Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонасида дипломатик корпус вакиллари, сиёсатшунослар иштирокида уюштирилган тадбир икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Фарғона вилоятида ҳам кенг қўламдаги ишлар бажариляпти. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида Фарғона шаҳрининг ўзида 638 та терминал ўрнатилиб, 138 минг дона пластик карточка муомалага киритилди.

● Ангрэн шаҳрида Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасаруфидидаги коллеж ва лицей ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаси яқунланди.

● Эллиқалъа туманидаги математика, физика ва тарих фанларига ихтисослашган 7-мактабда янги компьютер синфи очилди. Шунингдек, Интернет тармоғига уланишга имконият яратилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиятош шаҳрида эркин кураш бўйича халқаро турнир яқунланди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистондан юздан зиёд полвонлар куч синашишди.

#### Жаҳонда

● Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон иқтисодийёт форумида кино юлдузи Шарон Стоуннинг ташаббуси билан ҳомийлар ёрдамида Танзанияда очилган азоб чекаётган болалар учун бир миллион АКШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

● 1949 йилдан буён илк бор Хитой ва Хитой Тайпей ўртасида ой тақвими бўйича янги йилни байрам қилиш вақтида ҳаво катнови йўлга қўйилди.

● НАСА томонидан Фазога учирилган ҳаво шари коинотда 42 кун давомида учиб, Антарктида-ни уч бор айланиб чиққан ҳолда ҳаво шарларининг бўғутов равишида узоқ учини бўйича жаҳон рекордини ўрнатди.

● Франция қишлоқ хўжалиги вазирлиги илк бор эчкиларга қутуриш касаллиги мавжуд эканлиги тўғрисида хабар қилди. Бироқ унинг инсонларга хавф туғдирмаслиги ҳам маълум этилди.

## ЙИГИТЛАР ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙ

Пойтахтимиздаги алоқачилар ҳарбий қисмида навбатдаги сафарбарлик чақируви резерви хизматига жалб этилган уч юз йигит қасамёд қабул қилди. Маросимда ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник М.Аҳмедов, Тошкент ҳарбий округи кўмондони, генерал-майор Б.Тошматов ва бошқалар халқимизга, Президентимизга садоқат

билан хизмат қилишга онт ичган юрт посбонларини қизгин табриқлади. Мамлакатимиз ҳарбий салоҳиятини юксалтириш, аскарларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом ва баркамол этиб тар-

*Иқтисодий*

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА**

«ТЕЗИНТОМ» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ўзининг сифатли, кўркам, рақобатбардош қурилиш материаллари билан нафақат республикамизда, балки Марказий Осийё давлатларида ҳам ягона ҳисобланади.

1994 йилдан буён корхонада импорт ўрнини босувчи, чиройли, чидамли, ишлатишда қўлай бўлган камалак ранглардаги полимер қопламали металл черепицалари, уларга керакли аксессуарлар, осма шифт, девор панеллари, қўйма металлдан эшик, дарвоза, панжаралар тайёрланмоқда. Жумладан, жамоанинг торшер, қандил, бралари анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлаштирилиб ишланган бўлиб, ҳар қандай нозиктаб жижизани ҳам мамнун қилиши аниқ.

Бундан ташқари, мухташам бинолар, бозор, дам олиш зоналари, ресторон, қаҳвахоналарга мўлжалланган турли-туман меҳбел ҳамда жиҳозлар ҳам харидорларнинг хоҳиш-истагига биноан тайёрланади. Корхона ахли йилдан йилга сифатга асосий эътибор қаратган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтиришга астойдил бел боғлаган.

**ТАЛАБЛАР-ДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ**

Сифатли, чидамли, нисбатан арзон маҳсулот харидорни жалб этишини яхши биламиш. Худди шундай талабларга жавоб берувчи маҳсулотлар Яқкасарой туманидаги «OLIANA RUM» масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Жамоада бугунги кунга келиб 10 турдаги сифатли маҳсулотлар тайёрланиб, улар республикамизнинг кўплаб вилоятларида сотилмоқда. Масалан, ўтган 2004 йилда корхона томонидан буюртмачиларга 25 миллион 673 минг сўмлик маҳсулотлар ўз муддатларида етказиб берилди. Булар — эмulsion, оқ рангли, фасадлар учун бўёқлар, универсал шпатлевка, штепель бўёқ, 8 хилдаги гуашлар, туш ва сиёҳларни ташкил этади.

Кувонарлиси, корхона тadbиркорлари сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланадилар. Масалан, «Навоийазот» корхонасидан юксак сифатли елим, Самарқанд шахридан мели олинади, шунингдек, олиф ҳам ўзимизники. Маҳсулотларни қадоқлашга ишлатиладиган турли хил сифимли бежирим идишлар ҳам ўзимизда тайёрланмоқда.

Эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган жамоа ахли жорий йилда янги ускуналар ўрнатиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш жойлари ташкил қилишни ҳам режаллаган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Ўзбекистонда тайёрланган*

**ЮЗ ФОИЗ ИПАКДАН**

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Regiah Silk Ltd» қўшма корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт ўтма-сада, замонавий линиялар ёрдамида юз фоиз ипакдан тайёрланаётган шойи галстуклар нафақат ички, балки хориж бозорида ҳам ўз харидорини топмоқда.

«Ўзбек ипаги» уюммаси ва Италиянинг Giorgio Giamminola & C.p.A» ҳамда «Fininterexpo» компаниялари томонидан таъсис этилган ушбу қўшма корхона мутахассислари мамлакатимизнинг энг яхши пиллачилик фабрикаларидан хом ашё олиб, калавани бўйлаб газламани безашга алоҳида эътибор қаратади.

Ушбу корхонанинг ўзига хос жиҳати шундаки, маҳаллий хом ашёдан юқори технология ва кўл меҳнати уйғунлиги талаб қилинадиган шойи галстуклар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осийёда ягона-дир.

Корхона йилига 95 минг погон метр ипак мато ҳамда 350 минг дона шойи галстуклар тайёрлаш қувватига эга.

Жаҳонда энг сифатли ипак матоларнинг юқори баҳоланишига эътибор қаратган корхона мутахассислари уларни безашда маҳоратларини ишга солиб ранглар жилосидан самарали фойдаланади.

Моҳир ва изланувчан дизайнерлар ўз меҳнатлари билан ҳар қандай харидорнинг талабини қондиришга ҳаракат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, корхонада меҳнат қилаётган кадрлар махсус тайёргарликдан ўтган бўлиб, уларга Италия давлатидан келган 20 нафардан зиёд малакали мутахассислар сабоқ беришган. Бугунги кунда эса ишлаб чиқарилаётган галстуклар турларини янада кўпайтириш, харидорлар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Корхонада анъанавий услубдаги галстуклардан тортиб корхона ва ташкилот ходимлари, ҳарбийлар, ўқув юртлари учун ҳам маҳсулот турлари ишлаб чиқарилади. Албатта, корхонанинг ривожла-



ниши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиси мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз.

Негаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли рақобатбардош маҳсулотлар Италия ва Европа мамлакатлари дўконларида харидорини топмоқда.

**Дилноза СОДИКОВА СУРАТДА:** корхонада тайёрланаётган галстуклар.

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган «Йил ўқитувчиси - 2004» республика кўрик-танлови якунланди. Унда танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида ғолиб чиққан 14 нафар ўқитувчи иштирок этди.

**ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ**

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самараси бугунги кунда нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам кенг эътироф этилаётир. Ўқитувчи касбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, умумтаълим мактаблари педагоглари меҳнатини рағбатлантириш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чи-

қилган ва изчил амалга оширилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугуннинг ўқитувчиси деганда албатта илғор, ташаббускор, замон билан ҳамнафас педагог назарда тутилади. Таълим тизимининг самарадорлиги ҳам айнан шундай изланувчан ходимларга боғлиқ. Республикамизда ўтказиб келинаётган анъанавий кўрик-танлов ана шундай муаллимларни аниқлаш, рағбатланти-

риш, уларнинг тажрибасини мамлакат таълим тизимида кенг ёйишда муҳим аҳамияти касб этаётир.

Танловда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 4-лицейнинг тарих ўқитувчиси Шўхрат Ботиров биринчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб мусиқа ўқитувчиси Нодира Йўлдошева иккинчи ўринга, Урганч шаҳридаги 5-мактаб инглиз тили ўқитувчиси Барно Дўстчоновна учинчи ўринга лойиқ топилди.

**«БАРАКА»НИНГ САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ**

Ўтган йили «Барака» универсал лизинг компанияси томонидан қиймати салкам олти юз эллик миллион сўмлик йигирма беш лойиҳа молиялаштирилди.

Бу 2003 йилдагидан йигирма беш фоиз кўп демакдир.

— Фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий тadbиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалиги машиналари, озиқ-овқат, полиграфия, тиббиётда кенг қўлланиладиган замонавий технологик линия ва ускуна-жиҳозлар, шунинг-

дек, юк ва йўловчи ташвиш транспорти воситалари қўлай шартлар асосида етказиб берилди, — деди компания бош директори Алишер Мўминов ЎЗА мухбирига.

— Низом жамғармаси бир ярим миллиард сўм бўлган муассасамиз лойиҳаларига айниқса, Фарғона, Наманган, Тошкент ва

Самарқанд вилоятлари ва пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик ва хусусий бизнес вакиллари катта қизиқиш билдирмоқда.

Натижада мазкур ҳудудлардаги лизинг олувчилар томонидан 2004 йилда юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

ЎЗА

**ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛДИ**

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта концерт залида Жанубий-Шарқий Осийёда содир бўлган пунами қурбонлари хотирасига бағишлаб хайрия концерти бўлиб ўтди. Дастур республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Қизил ярим ой жамияти ва Ўзбекистон давлат консерваторияси томонидан ташкил этилди.

Тadbирда сўзга чиққан Индонезиянинг мамлакатимиздаги элчиси Ҳошим Солиҳ Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ва халқига табиий офатдан азият чекканларга кўрсатилган гуманитар

ёрдм учун миннатдорлик изҳор қилди. Концерт дастурида республика санъат усталари иштирок этишди.

«Жаҳон» АА

*Хабарингиз борми?*

**ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНДИ**

Пойтахтимиздаги «Хорижқурилиш» компаниясида тайёрланаётган сифатли қурилиш ашёлари бунёдкорлик ишларида қўл келмоқда

Ички бозоримизда ўз ўрнига эга бўлган қурилиш материалларидан бири ҳисобланмиш пенобетон қатор афзалликларига эга эканлиги билан ажралиб туради. Корхонадан немислар технологияси асосида тайёрланаётган пенобетонлар юқори сифати, енгилиги, иссиқни яхши сақлаши, шовқин ўтказмаслиги, ишлатишда қўлайлиги билан буюртмачиларни мамнун этмоқда.

Эътиборли томони, барча буюртмалар ўз муддатларида бажарилиб, пенобетонлар миқозларининг хоҳиш-истаги асосида турли ҳажмларда тайёрланади. Жумладан, жамоа ахлининг малакали, ўз ишининг усталари бўлган ишчи-хизматчилари томонидан пенобетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик ускуналар тайёрлаб берилади. Компанияда шунингдек, пенобетон концентрати асосида ушбу ускунада 20 метр баландликдаги 300-1400 килограмм — квадрат метр, горизонтал 50 метр келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, яъни завод ўрнини босувчи ускуналарга тайёрлашга буюртмалар олинмоқда.

Кувонарлиси, сифатли маҳсулотлар учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади, шу сабабли ҳам пенобетонлар таннаҳи нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради.

Улар асосан монолит уйлар ҳамда иншоотлар қурилишида, ер ости иссиқлик трассалари, қувурлари, девор, пол, томларда иссиқликни ушлаб туришда кенг қўлланилади.

Корхона тadbиркорлари бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда, ички бозоримизни чуқур ўрганмиш асосида ўтган йил охиридан жуда харидорғир бўлган, қурилишда кенг қўлланиладиган «ZIM» деб номланувчи универсал шпатлевка қоришмасини тайёрлашни йўлга қўйдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жамоа мутахассислари жорий йилда ҳам янги маҳсулотлар яратиш устида изланмоқда.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ ДОРИНИНАЛАР

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан асосийси харидоргир маҳсулотлар турларига эътиборни қаратишдан иборат. Сифатли, рақобатбардош тиббиёт маҳсулотларига нафақат республикада, балки Хамдустлик давлатлари — Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида ҳам талаб катта.

Айни шундай импорт ўрнини босувчи бир маротаба ишлашга дориналар «MEDIZ» қўшма корхонасида ишлаб чиқаришда. Мазкур жамоа ахли йилдан йилга ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида маҳсулотлари ҳажмини ошироқда. Масалан, корхона ўтган йили эхтиёж талаб тиббиёт маҳсулотларини тайёрлашни 2 бараварга кўпайтиришга муваффақ бўлди. Ҳақиқатан ҳам, қўшма корхона ишчи-хизматчиларининг шумли саъй-ҳаракатлари туфайли 147 миллион дона инъекцион дориналар ҳамда 4,1 миллионта системалар тайёрлаб, ички бозоримизни таъминлади ҳамда экспорт қилинди.

Ушбу корхонада тайёрланаётган 1 мартаба ишлатиладиган 1, 2, 5 ва 10 миллиметрили дориналар ҳамда 2 турдаги инфузион ва тرافезион системалар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Уларнинг сифати эса қўшма корхона цехларида ўрнатилган ҳорижий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар шарофидан эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Тадбиркорнинг албатта билимли бўлиши ташаббускор, янгиликка ўч, умуман олганда замон билан ҳамнафас бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундайлардан бири 2003 йилда Чилонзор туманида фаолият бошлаган хусусий тадбиркор Собир Рўзиев кичик корхона очиб, 8 нафар ёшларни иш билан таъминлади. Маъмурилик ҳамда тўқинчилигимизни шондон билан нон ва нон маҳсулотларини жамоа ахли Германия давлати ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ускуналари асосида тайёрлайдилар. Ризқўрғимиз бўлган ноннинг — «оби нон», «кулча», «пати», «пиезли» каби турлари ҳамда «майзли», «мураббони», «творогли» каби 20 турга яқин хуштаъми, мазали, бўрсилдоқ булочка маҳсулотлари жуда харидоргир ҳисобланади. Шунингдек, жамоа ахлининг 2 хилдаги шифобахш пархез нонларни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги эътиборга сазовор.

Бундан ташқари, жамоа томонидан 5-6 хил турдаги қандалот маҳсулотлари ҳам ҳамшаҳарларимиз дастурхонларига тортиқ қилинмоқда.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

Анжуманлар

ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТДАГИ РОЛИ

Республикада хотин-қизларга кўрсатиладиган эътибор ва ғамхўрлик, айниқса уларнинг давлат ва жамият қурлишидаги фаоллиги тобора ошиб бораётгани, она ва бола саломатлиги, аёлнинг оиладаги ўрни ва барча соҳаларда тенг ҳуқуқли фаолият олиб бориши юрт тараққиётига катта ҳисса қўшаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча



чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланганидек, аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шакллари кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш вазифалари устувор йўналишлардан биридир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Олима аёллар уюшмаси, ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини ўзаро ҳамкорликда мазкур институтда «Тўқимачилик ва енгил саноат илм-фанининг ривожланишида олима аёлларнинг роли» мавзусида рес-

публика илмий-амалий семинарини ўтказишди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари,

Олий Мажлисининг куйи ва юқори палаталарига сайланган депутатлар, олима аёллар иштирок этдилар.

Ушбу маънавий-маърифий тадбирда институт ректори, профессор Ҳ.Алимовнинг «Тўқимачилик ва енгил саноат илм-фанининг ривожланишида олима аёлларнинг роли», Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг директори, академик Р.Убайдуллаевнинг «Муштақил Ўзбекистоннинг олима аёллари», «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компаниясининг бошқарма бошлиғи Д.Муҳамедовнинг «Енгил саноатнинг ривожланишида иштирокчилари ва мутахас-

сис аёллар», институт профессори М.Абдукаримовнинг «Табиий тола ва уларнинг аралашмасидан олинган тўқималарга кимёвий ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш» мавзулари тингланди.

Анжуман қатнашчиларига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти иқтидорли ёшлар академияси қошидаги Талабалар модалар театрининг замонавий янги либослар тўплами намойиш этилди. Шунингдек, конференция иштирокчилари институтнинг тарих музейи, Маънавият ва маърифат хонаси, «Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш» маркази, компьютер маркази, хорижий мамлакатлардан келтирилган замонавий техника ва технологиялар, олим ва мутахассисларнинг кўргазмалари, талабаларнинг «Мен олима бўлмоқчиман» номли иншолар танлови яқунлари билан яқиндан ташиштирилди. Шундан сўн анжуман қатнашчилари 3 та шўъбага бўлинди ўз мавзулари билан қатнашдилар.

Дилором ИКРОВА СУРАТЛАРДА: анжуман ва унинг доирасида ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.



Мағбурлар

ОИЛА — МУҚАДДАС БАТАН

Маълумки, оила қуриш масъулияти фақатгина икки ёш ўртасидаги умумийсоний бутунлигини ташкил этиб қолмай, жамият ҳаётида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлган мезон ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикада ёш оила қурувчиларга ҳар томонлама кўмак бериш, уларнинг маънавий, ижтимоий-маиший муҳофазасини таъминлаш максатида қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Жумладан, бундан тўрт йил олдин, фаолият бошлаган «Оила — муқаддас Ватан» жамоатчилиги асосидаги ёш оила қурувчилар мактаби томонидан амалга оширилган ишлар кўлами хусусида ҳам илқ фикрлар айтиш мумкин.

Мазкур мактаб Республика Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Қаҳар» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар оила маросимлари маркази томонидан ташкил этилган.

Куни кеча шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ёш оила қурувчилар мактабининг 2004 ўқув йили яқуний машғулотирага бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Оила маросимлари маркази ташаббуси билан уюштирилган ушбу учрашувда Шайхонтохур туман хокимлиги, 1-Перинатал маркази, Фафур Фулом номдаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда бир қатор тиббиёт коллежлари, ўрта махсус касб-хўна таълими ўқув юртлири талабалари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактаб тингловчиларининг аксарияти муштақил ҳаёт бўсағасида турган ёшлардир. Улар билан олиб борилган йил давомидаги машғулотларда Асосий Қонунимиз ҳисобланмиш — Конституция ва унинг моҳияти, Фуқаролик Кодекси, Оила Кодекси, Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий маросимларни ихчамлаштириш ҳақидаги Фармонлари ҳамда Республика «Оила» илмий-амалий марказининг ҳамкорлигида тавсия этилган «Оила дорилфунуни» махсус ўқув-тарбиявий курси режалари доирасида тушунчалар бериб борилди.

Айниқса, тадбир иштирокчилари бўлган ёшларда таниқли элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол Аминовнинг «Ҳикмат — ибрат» мавзусидаги марокли маърузаси катта таассурот қолдирди.

Шу билан бир қаторда йил давомида машғулотларга мунтазам равишда қатнашган ёшларга ташкилотлари томонидан сертификатлар, алоҳида фаоллик кўрсатган тингловчиларга эса Фаҳрий ёрлик, эсдалик совғалари топширилди. Эндиликда «Оила — муқаддас Ватан» жамоатчилиги асосидаги ёш оила қурувчилар мактабининг сертификатлари эга бўлган ёшлар жойларида ўзлари эгаллаган билим ва кўникмаларини тенгдошлари билан ўртоқлашиш имкониятига эгалар.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Мазкур ташаббус Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари «Қамолот» ЁИХ, БМТнинг ВИЧ/ОИТС бўйича Ўзбекистондаги бирлашган дастури, БМТнинг ғиёвандлик ва жиноятчилик бўйича ваколатхонаси томонидан қўллаб-қувватланиб, ушбу ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Сиҳат-саломатлик йили доирасида мамлакат бўйлаб ўтказилаётган «Тўрт қарра йўқ!» (ОИТСга йўқ!), ғиёвандликка йўқ!, ичкиликбозликка йўқ! кашандалликка йўқ! акциясида мақсад, жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш, СПИД, ғиёвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларга қарши курашишга барчани даъват этиди. Ушбу иллатлар нафақат инсон саломатлиги, балки келажак авлод наслида ҳам худдиш оқибатларни келтириб чиқариши шубҳасиз. Жаҳон ахборот тизимларида маълумки, бундай иллатларга қарам бўлганлар сони халихунуз қамаймаётгани кўпчиликти ташвишга солмоқда. Ҳар йили ер юзиде ушбу зарарли одатлар натижасида миллионлаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юммоқда. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилаётганлиги эса янада ачинарлидир.

— Акциямизни «Тўрт қарра йўқ!» деб номлашимиздан мақсад, юқоридеги айтылган иллатларга қарши курашишдан иборат, — дейди жумладан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов. — Зеро, бу иллатларни кам сон-

мондан эса, ушбу муаммони ҳал қилишга журналистлардан ташқари барча манфаатдор муассаса, ташкилот, жаамгарлар ва шахсларни жалб этишдан иборат.

«Тўрт қарра йўқ!» акцияси йил мобайнида ўтказилиб, унинг доирасида кўплаб тадбирлар бўлиб ўтади. Жумладан, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телеканалли ташаббуси билан шу йилнинг 30 январидан бошлаб ҳар ой мунтазам равишда телемарафонлар ўтказилади.

«Ёшлар» радиоканали орқали ҳам ана шу сингари марафонлар ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, энг яхши адабий, муסיқий, бадиий асар номини ақтариш бўйича танловлар ўтказиши, акцияни қўллаб-қувватлаш учун телеақция ва хайрия концертларини ташкил этиш кузда тўтилган. Жумладан яқинда ОАВ ходимлари орасида энг яхши мақола, радио ва телекўрсатув, энг яхши фотосурат учун танлов эълон қилинди.

Дастур 2005 йилнинг декабрь ойида тала концерт ва танлов ғолиблари ҳамда лойиҳанинг энг фаол иштирокчиларини тақдирлаш билан яқунланади.

«Тўрт қарра йўқ!» дастурининг ташкилотчилари барча манфаатдор ташкилотларни ушбу акцияда иштирок этишга таклиф этиди.

Орзуғул РУСТАМОВА

2005 — Сиҳат-саломатлик йили

“ТЎРТ ҚАРРА ЙЎҚ!” — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ШИОРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси томонидан ўтказилаётган «Тўрт қарра йўқ!» акциясининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

ли кишилар ҳаётдан суғуриб ташлашга қодир эмас, унга қарши кураш ҳамма соҳа вакиллари, у жамиятда қандай мавқе, ўринни эгалламасин, соғлом турмуш тарзи авлодлар давомийлиги эканини яхши ҳис қилувчи барча соғлом фикрловчи инсонларнинг ишидир. Бу ишда айниқса оммавий ахборот воситалари, журналистларнинг ўрни муҳимдир. Шунинг учун ҳам биз барча қалам ахлини бу курашда фаол қатнашишга чақирамиз. Акцияни ўтказишдан мақсад бир томондан ОАВ имкониятларидан фойдаланган холда кенг оммамани юқоридеги иллатларга нисбатан салбий муносабатини шакллантириш. Иккинчи то-





Сирли олам

## ГАРОЙИБ ЖАРЛИК

Пятигорскдаги машҳур жарликни жуда кўплаб одамлар кўргани келадилар. Уз ўздан, табиий равишда пайдо бўлган яшилсимон кўлни сайёҳлар эринмасдан томоша қиладилар. Жарлик ва ўпириликларнинг қандай ҳосил бўлишини кузатганлар бу гаройиб ҳодиса ҳақида гувоҳлик берадилар. Ивановск губерниясининг Глубокое кишлоғидаги Прихор Кузьмич Савельевни барча пайвониста сифатида яхши биларди. Савельев ҳар кун кечаси унинг уйи остида кимдир бўш темир бочкаларни думалатаётганини айтганида, колхоздагилар «Проҳор ичавериб жинни бўлиб қолибди!» — дейишди. Бир неча мuddатдан сўнг, Савельев кишлоқ кенгашига келиб, уйини ер ютганини маълум қилади. Раис шаҳардан табиб чакирсаммикан, дея ўйланиб қолди. Аммо, охирига чача эшитишга қарор қилди. Воқеа бундай бўлганди.

Савельев эрталабдан хушёр эди. Шу боис ҳам бир ошасиникига кеча кечқурун сўйган чўчасини ювгани жунайди. Уйдан чиқаётган, анди панжарани очётган Проҳор ортида қарсилган овоз эшитиб, бўрилиб қаради. Унинг уйи худди жони бордек бир силкинди-да, остида пайдо бўлган жарликка қулади. Кўп ўтмай ўша ўпирик сув билан тўла бошлайди. Марказдан келган бир гуруҳ олимлар ҳам уйни ер ютиб, кўл ҳосил бўлганини эътироф этишди.

Ер остига нафақат айрим уйлар ва ҳужалик бинолари, балки бутун бошли поездлар ҳам қариб кетади. Академик Обручев шундай бир воқеани хикоя қилади. Уфдан келадиган йўловчи поезд Белам дарёси қирғоқларида кетаётган, изидан чиқиб кетди ва вагонларнинг ярмисидан кўпи ҳосил бўлган бўшлиққа қулайди.

Оқошти ва гипс қатламлари ер ости сувлари ва дарёлари оқими натижасида ивиб, емирилиб ва суюлиб боради. Бунинг натижасида ер остида ҳар хил қатқилдаги бўшлиқлар ҳосил бўлади. Вақт ўтиши билан унинг тепасидаги қирлик бўшлиққа чўкиши мумкин. Бу нарса ер ости силкинишлари ва поезднинг юришидан ҳосил бўлган тебрианлардан ҳам бўлиши мумкин. 1998 йили Москвадаги 500 кв.м. жойнинг чўкиши ҳам шу бўшлиққа алоқадор бўлса, ажаб-мас.

Карст сўзи югославча бўлиб, «галаги рельефи жой» маъносини англатади (ўзбекчада — тузтош). Югославия — бу карстлар ватани. Унинг табиатида карст форлари ва ўпириликлари, гаройиб тоғлари ва йўлларини учратиш мумкин.

Бирок, карст форлари энг гаройиб жойлар эканини ҳеч ким инкор этмас керак. Уларнинг энг чиройдиларини Уралда, Украинада ва Абхазияда учратиш мумкин. Ўшбу очерк муаллифи ҳам Абхазиядаги Иверск форини томоша қилиш шарофига муассар бўлган. Фор ичининг гузаллигини сўзлар билан ифода этиш жуда қийин. Ер остида зим-зиё қоронғулик ва бирдан қучли чироклар ёниб, кўз ўнгингизда улкан карст бўлиши намён бўлади. Карст форни деворларига ҳар хил кристаллар, калсыб, селений, флюорит ва бошқа минераллардан қотган нурач ақойиб бир фантастик кўриниш касб этади. Тепада сталякитид, куйида эса сталагитлар бир-бирлари томон интилган. Улар оқ, ҳаворанг, пушти, яшилсимон рангларда. Улардан қайтган ёрүклик манзарасини дунёдаги бирон бир нарсага ўхшатиб бўлмайди.

Олим ТШЕВ,  
Тошкент Молия  
институту талабаси.



Табиатнинг қалби ила безатилган қишки гўзаллик.

Тошкентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Республика Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилган. Марказ дастурига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари назоратида турган тарбияси оғир болалар билан суҳбатлар ва психологик тренинглр ўтказиш кўзда тутилган.

## «КАМОЛОТ» ТАШАБУСИ БИЛАН

Халқимиз оилани муқаддас деб билади. Мана шу муқаддас макон қанчалик мустаҳкам ва бақувват бўлса, у ерда тарбияланаётган фарзанд ҳам шунчалик бенеқсон ўсади. Албатта, ҳаёт тушунчаси жуда кенг ва хали ҳеч ким ечолмаган жумбоқларга бой. Унинг гоҳида аччиқ, гоҳида ширин лаҳзалари бўладики, инсон ҳар иккала пайтда ҳам ўзини йўқотмай матонат билан уларни енгиши керак. Лекин минг афсуски, шундай фуқароларимиз ҳам борки, турмушининг турли муаммолари ва келишмовчиликларига дош беролмай, муқаддас маконни, яъни оилани бўзиб юборади. Бундан кимга наф, кимга зиён. Албатта биринчи навбатда оиладаги норасида болаларга-да. Уз-ўздан бу оилалардаги болалар жабрдийдаларга айланиб, кўча боласига ёки тирик етимга айланади.

Маълумки, мамлакатимизда кўча боласига айланган ота-оналарнинг қарамоғидан чиқиб кетган ўсмир ёшлар билан ички ишлар идоралари шуғулланади. Бугунги кун-

да бекорчи болалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни меҳнат ва ўқишга жалб қилишда нафақат ички ишлар идоралари, балки жамоатчилик ташкилотлари ҳам муносиб хизмат қилишмоқда. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳри ва туман кенгашлари ҳам мазкур муаммони бартараф этиш ва воёга етмаганлар билан ишлашда сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб эса, «Камолот»нинг Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари барча туманлардаги ўрта-махсус, олий ўқув орталари етакчилари билан бирга ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари Миробод туманида жойлашган воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига бориб спорт мусобақаларини ташкил этмоқда. Айни вақтда 42 нафар бола тарбияланаётган марказда спорт тадбирлари доирасида интеллектуал ўйинлар ўтказиш ҳам релаштирилган.

## ЎЗ МАҚОМИГА МУНОСИБ ДАРГОҲ

Ўзбекистон Миллий университетига «Миллий» мақом берилганига беш йил тўлди. Шу муносабат билан маъзур таълим муассасасида тантанали йиғилиш ўтказилди.

2000 йилда мамлакатимиз Президентни Фармони билан Тошкент Давлат университетига Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тарихи ва бугунги илмий салоҳияти ҳамда потенциали бунга лойиқ эди.

Таъкидлаш жоизки, Миллий университет мамлакатимиздаги тўнғич ва энг йirik олий таълим муассасаси ҳисобланади. Республикаимиздаги деярли барча институт ва университетлар ана шу олий даргоҳ таркибидан ажралиб чиққан десак муболага бўлмайди.

Бугунги кунда Миллий университетда 15 та факультет, тиллар маркази, 129 та кафедра, иккита академик лицей, иккита илмий текшириш институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ўқув жараёнига 1024 нафар профессор-ўқитувчи жалб этилган. Уларнинг 136 нафари фан доктори

ва профессорлар, 24 таси академик, 387 таси фан номзодлари ва доцентлардир. Шунингдек, 80 нафардан ортиқ ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли институтлар ҳамда турли корхона ва ташкилотлардан жалб этилган. Бу ерда таълимнинг 35 йўналиши бўйича бакалавр, 108 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Таҳсил олаётган талабаларнинг умумий сони 10 минг 216 та бўлиб, уларнинг уч нафари Ўзбекистон Республикаси Президентини степендия совриндори.

Университет маданият саройи ўқитувчи ва талабалар, ўз даврида шу даргоҳда таҳсил олган ва бугунги кунда турли соҳаларда фаолият юритаётган собиқ талабалар билан гавжум бўлди. Тадбирда сўзга чиққанлар университетнинг тарихи ва бугунги салоҳияти хусусида маълумот қилишди.

Аллоудин ГАФФОРОВ,  
«Туркистон-пресс»

### Мунажжим башорати

## КУНИНГИЗ ХАЙРЛИ БЎЛСИН!

1 февраль, сешанба

Хурматли «Оқшом»хонлар!

Эртанги кунда бизни нималар кутаётгани ҳаммамизни қизиқтиради. Буни олдиндан тахмин қилиш, шунга яраша тегишли тайёргарлик қўриб қўйиш албатта фойдали. Бунда бизга Амир Темур, Мирзо Улугбек бобоклонларимизга хизмат қилган мунажжимларнинг бугунги авлод вакиллари ёрдам беришади.

Албатта, уларнинг башоратларига маҳкам ёпишиб олиб, улар чизган чизқдан чиқмасликка интилий шарт эмас. Фақат башоратчилар огоҳлантираётган ҳолатлардан хабардор бўлиб қўйиш, ўрни келганда, кескинликлардан ўзини эҳтиёт қилиш айрим нохушликларнинг олдини олиши мумкин.

Шунингдек, осмон жисмларининг Ерга ва ундаги ҳаётга таъсири олимлар томонидан аллақачонлардаёқ исботланган. Уларнинг таъсирида турли табиий офатлар, одамлар ўртасида жиддий низоолар юз бериши кўп марталаб кузатилган. Бу жиҳатдан ҳам мунажжимлар тавсияларни фойдали бўлиши мумкин.

Хуллас, ҳаёт йўлимизда дус келадиган омадли олар, нохуш ҳолатлар ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиб бориш ҳеч бўлмаганда кўнгил хотиржамлигига хизмат қилиши турган гап.

Шунинг учун ҳам биз азиз «Оқшом»хонларини мунажжим башоратларидан кунма-кун таништириб боришга аҳд қилдик.

Шундай қилиб, 1 февраль кунини нималарга эътибор беришингиз керак, марҳамат танишинг!

Бу кун донолар кунини, сирли билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш кунини. Шунингдек, бу кунда хурсандчилик, ақинларингизга меҳр-муруват кўрсатиш сизга алоҳида завқ бағишлайди. Совга-саломлар тарқатиш, дўсту қадрдонларга қутилмаган, лекин улар учун ёқимли тортиқлар қилиш, ўзаро янгиликлардан бир-бирларини хабардор этиш, фойдали тажрибаларини ўртоқлашиш маънавий қониқиш келтиради.

Саховатли ва самимий бўлинг, бировдан ёрданингизни аманг, жанжал-можаролардан ўзингизни олиб қочинг.

Шу кунни соч олдингиз, тирноқ олиш билан шуғулланмаганингиз маъқул.

Қўрилган тушлар асосан ўнгидан келади.

Улар чинакам башорат бўлиши, бўлажак омадларингиздан дарак бериши мумкин. Мабодо, тушингизда тиниқ сув, сут ёки қушлар галасини кўрсангиз, ишонаверинг — яқин орада сизга катта омад ва бахт кулиб боқади.

Кунингиз дастлабки яхши аломати — ўйғонингиз билан акса уришингиздир. Бу — албатта, яхшиликка бўлади. Давлат герби осмонга қараб ётган танга топсангиз, бу тақдирингиздаги мумин учрашувдан далолатдир! Оқ, сариқ рангли либосларни қўйиб, қўк ва яшил кийимларни кийишни тавсия этамиз.

Кунингиз мурақаб кечиши мумкин. Лекин тўйлар учун, «кескин» ўтадиган учрашувлар (масалан, ҳақ-ҳуққингизни талаб қиладиган таширлар) учун бу кун яхши келади.

Саломатлигингизга эътибор маъносини кам-кам, лекин тез-тез овқатланиш, кўпроқ ширин таомларни ва шарбатларни истеъмол қилиш маъқул. Тоза ҳавода сайр қилиш фойдали.

Ниҳоят бугун:

— бирон-бир ишни ниҳоясига етказиш;

— турли хил муаммоларни бартараф этишда энг аввало чўқур мулоҳаза қилиниб, оқилона йўл тутиш;

— қурилиш, спорт ва тиббиёт муассасалари вакилларида ишингиз бўлса — уларга учрашиш;

— аниқлик ва тартибни талаб этувчи ишлар билан шуғулланиш тавсия этилади.

Бирон-бир янги ишни бошлаш, қарзга пул бериш ёки олиш, ўз нуфузингизга ортиқча баҳо бериб юбориш, ортиқча мулозамат ва савоатдан тийгилишни маслаҳат берамиз.

Боднинг, помидор, қўқат ва бағи учун пиёз экиш мумкин.

### ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

#### Хўжалик юришувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Ўзбекистон Республикаси Ташки мухат Миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган «Боулинг Юдуз» сўровномасига асосан мuddати 2001 йил 4 октябрдан 2002 йил 14 апрелгача бўлган КОРЕЯ фуқароси Пак Ин Текка тегишли «Мехнат фаолияти тасдиқномаси» ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

**Футбол**

**ТУРКИЯДА КЎРИКДАН ЎТМОҚДА**

«Пахтакор» жамоасининг моҳир ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси Бахтиёр Ашурматов Туркияга йўл олди.

Гап шундаки, мамлакатимиз терма жамоасининг етакчи ҳимоячиларидан бири Бахтиёр Ашурматов туркиялик футбол мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди ва унинг учрашувлардаги ҳаракатларини синчиқлаб кузатган «Денизлиспор» жамоаси мураббийлари Бахтиёрни синаб кўришни маъқул топишди.

Айни кунларда Туркия чемпионатида тўртинчи погонани банд этиб турган «Денизлиспор» жамоаси машғулотида мураббийлар кўригидан ўтаётган Ашурматов жорий йилги мавсумда Туркия чемпионатида ушбу клуб таркибиде майдонга тушиши мумкин.

**«ПАХТАКОР» ЎРИБОСАРЛАРИ — ИТАЛИЯДА**

Мамлакатимиз футболининг юксалиши кўп жиҳатдан ёш чарм тўп усталарининг мазкур спорт тури бўйича маҳорат ва малакалари тезроқ ошишига, халқаро турнирларда тажриба орттиришларига боғлиқ эканлиги сир эмас.

Шу боисми, юртимизда ёшлар, ўсмирлар ва болалар футбол ривожига катта эътибор қаратиляпти. Бу фикримизни айни кунларда Италияга йўл олган «Пахтакор»нинг 1986 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоаси ҳам яққол исботлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Италияда 19 ёшли ўсмирлар жамоалари ўртасида «Сорра Carnevale» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли турнирда иштирок этаётган ёш пахтакорчилар жаҳоннинг номдор жамоалари билан бир гуруҳда ўзаро тўп суришади.

(Ўз мухбиримиз)

**Волейбол**

**МИРОБОД ЖАМОАСИ — БИРИНЧИ**

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан шахримиз мактаблари ўқувчилари ўртасида спортнинг ҳар хил турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар қизиқарлилиги, кескин ва мурасиз учрашувларга бойлиги билан болажонлар эътиборини тортмоқда.

Миробод туманидаги 94-мактабда 8-9-синфларда таълим олаётган ўғил ва қиз болалар ўртасида шахримиз туманлари жамоалари иштирокида ўтказилган волейбол бўйича мусобақалар ҳам чиройли баҳслар, болажонларнинг шодлон қўйқориқлари, мухлисларнинг қизгин қўллаб-қувватлашларига бой тарзда ўтди.

Болаларда ғалабага интилувчанлик, жўшқинлик ҳислари кучли бўлганлиги сабабли голибларни аниқлаш осон кечмади. Бироқ «Уйда деворлар ҳам ёрдам беради», деганларидек, ўғил болалар ўртасида ҳам, қиз болалар баҳсида ҳам Миробод тумани волейболчиларига бас келадиганлар топилмади.

Қизиги шундаки, юнусободлик ёш спортчиларга иккинчи ўринлар насиб этди. Ўғил болалар ўртасида Яқкасарой тумани, қиз болалар ўртасида эса Чилонзор терма жамоалари фахри учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ўйлаймизки, сиз суратда кўриб турган турнир қатнашчилари орасидан келгусида етакчи волейболчилар, мамлакатимиз терма жамоасининг аъзолари етишиб чиқади.

Даврон НУРМАТОВ  
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.



**Фуқаро муҳофазаси**

**ЛОҚАЙДЛИК — ИЛЛАТЛАР БОШИ**

Жамиятда яшайтган ҳар бир фуқаро ўз оиласи ва юрти тинчлигини ҳамма нарсадан устун қўяди. Биз биламизки, уруш тинчликни бузувчи асосий омилдир.

Аммо бахтсиз ҳодисалар — сув тошқинлари, зилзила ва бошқа табиий офатлар ҳам ўз навбатида аҳоли тинчлигини бузди ва ҳадиксиратиб қўйди. Бу фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва аҳоли, катта-катта корхоналар, аэропортлар, темир йўллари ҳимоя қилиш мақсадида Ватанимизнинг ҳар бир ҳудудида, у мактабми, институтми ҳаммасида фуқаро муҳофазаси ташкилотлари тuzилган. Уларнинг асосий вазифаси тинчлик вақтида аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдир. Таъкидлаш жоизки, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш фақат шу соҳа ташкилотларининг иши эмас, балки олдий аҳоли ҳам бундай юмушларда фаол қатнашиши лозим.

Ҳозирги кунда, нафақат республикамызда балки бутун жаҳон ҳамжамияти олдида бир муаммо — Орол денгизининг қуриб бориши муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Бунинг оқибатида, Оролбўйи худудлари анча ночор аҳволда. Бундан ташқари аҳоли ўртасида турли хил касалликлар ҳам пайдо бўлмоқда. Республикамыз ҳукумати саъй-ҳаракатлари билан ҳамда бошқа давлатлар кўмагида Орол денгизи қуришининг олдини олиш борасида турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аслини олганда, Орол денгизи қуришининг асосий сабабчилари ўзимиздир. Сабаби, сувни эътиборсиз ишлатамиз, лоқайдмиз. Бу ҳоллар ҳам аҳоли саломатлигига пўтур etkазиши, тинчини бузиши табиий. Шу сабабли, биз бундай вазиятлардан огоҳ бўлишимиз, уларга йўл қўймаслигимиз ва бошқа офатлардан ўзимизни ҳимоя қилишимиз зарур.

**М.ИЛҲОМОВ,**

Тошкент Молия институти молия-иқтисод факультети доценти, шу институт Б.РИХСИЕВ, талабаси.

**Семинарлар**

**САРДОРЛАР БИЛИМИНИ ОШИРДИ**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели тумани бўлими кенгаши ташаббуси билан Шукур Бурхонов номли маҳаллада мактаб матбуот бўлими сардорлари учун «Сиз журналист бўлишни хоҳлайсизми?» мавзусида ўқув семинар ўтказилди.

Тадбир давомида семинар иштирокчиларининг журналистика тўғрисидаги билимлари текширилди ва уларга журналистика соҳасида маълумот бериб ўтилди. Сўнгра сардорларга мактаб деворий газетасини қандай таёрлаш зарурлиги тўғрисида атрофлича тушунча берилди.

— Сардорлар семинарда фаол қатнашдилар ва улар фойдали анжумандан катта таассуротлар олишди, — дейди

жумладан туман матбуот бўлими сардори Руслан Ҳақимов. — Албатта, журналист бўлиш орзусида юрган ҳар бир йигит-қиз учун журналистика сирларидан воқиф бўлиш, шу соҳа вакиллари билан учрашиш, улар билан суҳбатлашиш ниҳоятда фойдалидир. Жумладан, биз келгусида таниқли журналистлар билан учрашувлар уюштиришни режалаштирганмиз.

Озода РАҲМАТОВА

**МИРЗАХОЛ — БЎЛДИ ЛОЛ**  
**Ҳажвия**

Мирзахол чойхонага чиқиб чорпога чордона курди. Чой чакирди. Тарвуз ютгандай дум-думалоқ қорнини силаб, икки-уч қаттиқ кекирди.

— Ҳа, Мирзахол, бугун тушлик жуда қуюқ бўлганга ўхшайди-а, — деди ҳазилкаш оналаридан бири.

Мирзахолнинг оғзининг таноби қочди. У худди шу гапни кутиб турган эди-да. Шунинг учун бўлса керак пешонасидаги сўғалсимон ловиядай холини қашиб қўйди. Мирзахолнинг димоғи чоғ бўлса ҳам, жаҳли чиқса ҳам шу холини қашиб қўйди.

— Э, қуюғам гапми, — деди Мирзахол ҳазилкаш онасига мамнун боқиб, — оқват евяериб-евяериб ёрилиб кетай дедим. Энди босиб-босиб кўк чой ичмасам бўлмайди.

— Бугун уйга меҳмон келадиганми дейман-а, — деди яна ўша онаси.

— Э, йўқ эрта билан қизимниқидан бир тоғора иссиқ сомса келди. Гўшт сомса, қовоқ сомса аралаш. Энди сомсамсан сомса денг. Оғзингизда эриб кетади. Чайнаб ўтиришинг ҳам ҳожати йўқ... Хуллас, бўкиб сомса едик. Қолганини қўшниларга улашдик. Савоб ҳам керак-да... Орадан бир чойқайнар вақт ўтгани йўқ эди, катта қудамизниқидан бир тоғора норин келиб қолди. Усти тўла қази-қарта денг. Ол, мени е, деб турибди. Унинг ҳам хўл-қуруғидан роса ур-

дим. Узиям кокил бўлиб кетибди. Нафсимни тиймасам бўкиб қоладиганман. Қўлимни артиб ўрнимдан турдим. Бу ёққа чиқарканман, Маликаи Турандот «дадаси кечкурунга нима овқат қилай», деб қолди. «Ош қил, хотин, ош қил», — дедим. Хотин ошга уннаб кетди...

Шу пайт чойхонага Мирзахолнинг етти-саккиз яшар набираси чопқиллаб кириб «бува, бува» — деди ховлиқиб:

— Нима дейсан, Тўлқин?

— Ойимла кечкурунга нима овқат қилай, бувангдан сўраб кел, дедилар...

— Ҳаи бола, — деди Мирзахол набирасига тарсаки тортиб юборғудай бўлиб — уй тўла овқат, нималар деб алжираясан?

— Ёлғон гапирманг, бува, — деди Тўлқин ҳам бўш келмай...

Мирзахол нима дейишини билмай холини асабий қаший бошлади.

— Мирзахол, ўзингиз ёлғонини ямламай ютадиган бўлибсан, — деди чойхўрлардан яна бири. — Одамнинг ҳар нарса бўлгани яши...

Мирзахолнинг нафаси ичига тушиб кетди. Тилига сўз келмай лол бўлиб қолди. — Мирзахол — бўлди лол, — деди чойхоначи.

Чойхонада қаттиқ қаҳқаҳа кўтарилди.  
**Туроб АКБАРХУҲАЕВ**



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70,  
эълонлар —  
133-28-95, 133-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
5009 прусида босилади. Қоғоз бирими А-3

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба,*  
*пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашир этиказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларида ёки «Тошкент почтатига» 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.**  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.